
МТТда инфекцияларни олдини олиш бўйича профилактик тадбир ўтказилди



МТТда инфекцияларни олдини олиш бўйича профилактик тадбир ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 29 февралдаги 64/4-сонли "Мактабгача таълим ташкилотларида коронавирус инфекциясининг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида" ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон ҳудудида коронавирус инфекцияси кириб келишини ва тарқалишини профилактика қилиш, МТТ да тегишли чораларни амалга ошириш йули билан ходимлар ва тарбияланувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан керакли чора-тадбирларни амалга ошириш ва назорат қилиш белгиланган.

Шу мақсадда 7-сонли мактабгача таълим ташкилотида туманда фаолият олиб бораётган МТТлар мудирлари ва тиббиёт мутахассислари иштирокида тадбир ўтказилди. МТТ мудирлари ва тиббиёт ходимларига қарорнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, касалликларни олдини олиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни сифатли бажарилишида шахсан маъсул эканликлари таъкидланди. Тадбирда МТТ жойлашган Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси И. Кабиров ва туман Кенгаши депутати С. Аскарловлар қатнашишди – дейилади Сух туман МТТ бўлим бошлиғи Г. Усмонованинг бизга берган маълумотида.



Саломатлик бебаҳо неъмат. Уни асраш, айниқса, таълим даргоҳларида таҳсил олаётган болажонларимизнинг соғлигини ҳимоялаш ҳаммамизнинг асосий вазифамиздир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-03-04 17:10:43